201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 6 (1227) • 2019-yil 8-fevral, juma

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги **ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали **давлат томонидан тартибга солиш вазифасини** амалга оширади;

2-БЕТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5647-сон Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 152 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ва давлат бошқаруви органлари ходимларининг чекланган сони 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 68 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тузилмасига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари **юқори малакали мутахассисларини**, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва экспертларни **консультантлар сифатида жалб этиш**;

2-БЕТ

ПЛЕНУМ

Жорий йилнинг 7 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия экспертлари, фаоллар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

САРҲИСОБ: таҳлил, танқид ва натижалар

4-БЕТ

ТАЪЛИМ СИФАТИ — ПАРТИЯ НИГОҲИДА

Умумтаълим мактаблари: ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИМИ?

Юртимиздаги умумтаълим мактабларида шарт-шароитлар кундан-кунга ҳар томонлама яхшиланиб бораётгани, ушбу масканларда фарзандларимиз ҳар жиҳатдан билим ва тарбия олаётгани ҳақида ҳар куни радио, телевидение ва шу каби бошқа оммавий ахборот воситаларида хабарлар билан танишамиз. Лавҳаларга қараб таълим масканларидаги ижобий ўзгаришлардан қувонамиз.

Аммо шарт-шароит барча жойда ҳам бирдек ташкил қилинганми, деган савол ҳам йўқ эмас. Шу маънода ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда бир қанча муаммолар ҳам борлигини қайд этиш мумкин.

5-БЕТ

9 ФЕВРАЛЬ — БУЮК МУТАФАККИР ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

НАВОИЙНИНГ АДОЛАТ МЕЗОНИ

Жамият тараққий этмоғи учун адолат мезонларига қатъий амал қилинмоғи зарур. Буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий асарларида бунга алоҳида урғу берилган. Улуғ мутафаккир мана бундай ёзади: "Адл бир қўрғондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур". Ҳақиқатан, ҳар қандай моддий хазинадан бирор қисми сарфланса, шунча камаяди. Бироқ ҳазрат Навоий таърифича, адолат ўтда куймайди, сувда йиқилмайди, харж қилган билан адо бўлмайди.

"Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"да буюк шоир қаламга олган "Шоҳ Ғозий" ҳикояти ҳам адолат ҳақида. Ҳикоят шоҳ Ғозийнинг тахтни эгаллаш учун гоҳ Хоразмда, гоҳ Адоқ (Амударёнинг Жайҳунга қуйилиш жойидаги шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар)да юриб, кураш олиб борган тасвиридан бошланади. Бу курашлар натижасиз қолмайди.

Бор эди зотида сазоворлиқ —
Ким, Ҳақ анга берди жаҳондорлиқ.

Яъни асли насли ҳукмдорликка муносиб бўлгани боис Тангри таоло унга подшоҳлик тахтини насиб этди. У тахтни эгаллагач, ушбу юксак мартабага муносиб эканини яна бир карра исботлади. Адолатли сиёсати туфайли эл шод, мамлакат обод бўлди:

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтирдию дод айлади.
Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этди адолат била.

8-БЕТ

"ИЧОН ҚАЛЪА"СИ

Маълумки, шу йилнинг 1 февралида пойтахтимиздаги "Tashkent City" қурилиш майдонида журналистлар учун пресс-тур ташкил этилиб, матбуот анжумани ўтказилган эди. Бу анжуман ва пресс-турда ушбу бунёдкорлик маркази ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Қуйидаги мақола пресс-тур ва анжуман таассуротлари асосида ёзилди.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий тараққиёти, иқтисодий юксалиши, маънавий ривожини намоён этувчи ўзига хос муҳим омиллар бўлади. Ана шу омилларнинг асосийларидан бири ўша мамлакатда амалга оширилаётган янги қурилишлар, бунёдкорликлар, яратувчиликлар ҳисобланади. Зеро, янги қурилишлар, бунёдкорликлар юртнинг қиёфасини янгилайди, мамлакатда ободлик, гўзалликни юзага келтиради ва буларнинг ҳаммаси халқнинг фаровон, яхши яшаши учун хизмат қилади. Шу сабабли бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида олиб борилаётган қурилишлар, бунёдкорликлар юртимиз тараққиётининг чинакам ифодаси, дейиш мумкин.

Биргина пойтахтимизнинг ўзида амалга оширилаётган қурилишлар, бунёдкорликлар кўлами ҳар қандай одамни ҳайратлантиради. Айтайлик, Яшнобод туманида барпо этилаётган уч қаватли кўприк, метрополитен халқа йўлининг Дўстлик — Қўйлиқ бозори оралиғидаги қисми, ишбилармонлик аэропорти, "Олмос" маҳалласи ҳудудидаги ҳарбий хизматчилар учун уйлар, Шайхонтоҳур туманида қурилаётган "Наврўз" боғи, "Ҳумо-Арена" муз саройи, Юнусобод туманида қурилиши якунланаётган метрополитеннинг салкам 3 километрлик иккинчи босқичи, Чилонзор, Олмазор туманларида қад ростлаётган "Давлат хизматлари марказлари", Маданият ва истироҳат боғи, ўйинчоқлар фабрикалари, технопарклар, Сергели туманида тикланаётган 618 та кўп қаватли турар-жойлар, катта йўл ва кўприк, метрополитеннинг Сергели — Собир Раҳимов бекатлари оралиғидаги қисми, Чоштепа массивидаги уйлар ана шу бунёдкорликларнинг бир қисмини ташкил этади.

7-БЕТ

Сессия қарори ИЖРО ЭТИЛДИМИ?

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

3. **Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматларни бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Автомобиль йўллари қўмитаси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Фуқаро авиацияси агентлиги** этиб қайта ташкил этган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг **Ўзбекистон кемачилик регистри**;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **"Ўзаэронавигация" маркази**;

иловага мувофиқ илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар, фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган ҳолда, Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти тугатилсин.

5. **Қуйидаги вазифа, функция ва ваколатлар Вазирликка ўтказилсин:**

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйидаги соҳалардаги:

кемаларни рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), кемаларни қуриш, фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга гувоҳномалар бериш;

кемаларга кема гувоҳномаси ва билетлари, таснифлаш гувоҳномалари, сузиш учун мувофиқлик гувоҳномалари ва кемасозликни тартибга солувчи қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни бериш;

б) "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг қуйидаги соҳалардаги:

темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспорти истиқболли прогнозлари, ривожлантириш ва объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида тариф ва транзит сиёсатни амалга ошириш, темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қобилиятини ошириш, темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

саноат корхоналари ҳаракатдаги таркибларининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларига чиқиши учун рухсатномалар бериш;

темир йўл йўлаклари, шунингдек, вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш.

6. Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафардан ташкил топган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази** ташкил этилсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалари, шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ ўтказилаётган бошқа ваколатлари борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

8. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар барча турдаги транспортларнинг оптимал ва мувозанатлашган ўзаро алоқасини назарда тутувчи, умумқабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини инобатга олган ҳолда "Транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг логистика самарадорлиги бўйича халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилаш чораларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача транспортни ривожлантириш концепциясини** ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгиланснки:

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг, Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқларининг ўринбосарлари уларнинг раҳбарлари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири ва унинг ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини шакллантириш Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги штат бирликлари, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Вазирликка ўтказилаётган илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари ва штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан амалга оширилади;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги ПҚ–2722-сон "Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги давлат бошқаруви органларининг таъминоти харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси негизида, маблағларининг шакллантириш манбалари сақланган ҳолда, юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Шаҳар, шаҳардан ташқари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришдан тушадиган давлат божи маблағларининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши белгилансин.

Вазирлик Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни, унинг маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаларини белгилаган ҳолда тасдиқлаш;

Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Вазирлик ва унинг идоравий ташкилотлари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби.

5. Вазирлик Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда, Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда тартибга солиш функцияларини истисно қилиш, инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, рақобат муҳитини шакллантириш ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташишда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун тенг шароитларни яратиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида таълим, ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда Вазирлик тизимига кирувчи тижорат тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

уч ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг давлат ва тижорат функцияларини ажратишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилаётганлиги муносабати билан бўшаётган бино ва хоналарга Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йилда Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирликни таъминлаш харажатлари учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг жами 21 та, шу жумладан, 19 та шахсий бириктирилган, шундан 14 таси Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун, хизмат автомобиллари таъминоти учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика ахборотларини тарқатиш мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом лойиҳасини;

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги такрорланувчи вазифалари, функциялари, ваколатлари ва тузилмаларини тугатиш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг **Ихтисослаштирилган филиалини** (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модул тизими асосида ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идораларо ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Тошкент давлат юридик университетининг таркибий бўлинмаси — юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳри ва бланкларига, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ҳисобрақамларга эга бўлади;

Филиалга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Филиал директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, директор ўринбосарлари эса — Тошкент давлат юридик университети проректорларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали тузилмаси 1-иловага;

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директорига Тошкент давлат юридик университети ректори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

Филиалда **"ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш** кундузги таълим шаклида бакалавриатнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда **"ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" мутахассислиги бўйича олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш** кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади;

Филиал бакалавриатига қабул квотаси йилига 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса — ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади;

Адлия вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг буюртмаларига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

Филиал дипломининг мавжудлиги ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтмасдан, "лейтенант" махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бакалавриат дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади;

Филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланадиган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин;

Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар;

Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибида ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга;

Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солувчи нормалар, агар қонунчилик ёки университет қарорлари билан бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Филиал фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

7. Филиалнинг Васийлик кенгаши 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Васийлик кенгаши Филиалнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади, жумладан:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шароитлари ва ижтимоий таминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради;

олий юридик таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда қўллаб-қувватлашни амалга оширади;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўёбга чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Филиалда таълим олиш учун тўланган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институти грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Адлия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни тегишли органнинг амалдаги кадрлар захирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади;

Филиалнинг ходимларига Тошкент давлат юридик университетининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари татбиқ этилади;

Филиал ходимларига мартаба даражалари ва узоқ йиллик хизмати учун устама ва қўшимча тўловлар тўлаш бўйича харажатларни бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажарган Филиал ходимларига директор буйруғи асосида Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиал ходимларига тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамаларни тўлаш учун маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Филиали беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қулоқтепа кўчаси, 9-уйда жойлашган бино ва иншоотларида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳудудларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат юридик университетининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш юзасидан таклифларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси билан биргаликда икки ой муддатда Жиззах политехника институти негизида мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюридик маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курсларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида икки ой муддатда чет эл ўқув марказлари ва таълим муассасаларига танишув сафарларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда пойтахт ҳудудининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибанинг ўрганилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими белгиланган тартибда Филиал бино ва иншоотларининг замонавий талаблар асосида реконструкция қилинишини ҳамда юклатилган вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим олувчиларнинг яшашини инобатга олган ҳолда унинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория ва криминалистик ускуналар, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

13. Филиалга иккита енгил, шу жумладан, битта шахсан бириктирилган автотранспорт воситаси таъминоти учун лимит белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А.Артиқходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 февраль

Тиббиётда коррупцияга йўл йўқ!

БУГУННИНГ ГАПИ

Сўнгги икки йилда соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ҳар бир тиббиёт муассасаси сўнгги, замонавий моддий-техника жиҳозлари билан таъминланмоқда, уларда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада коррупциянинг олдини олиш ҳам диққат марказида бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу иллатга қарши фаол саъй-ҳаракатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳудудларда эса бу борада аҳолининг фикрини ўрганиш мақсадида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт муассасалари, жумладан, туғуруқ комплексларида тамагирлик ва коррупция ҳолатлари чуқур ўрганилиб, таҳлил этилган ҳолда тизимли чоралар кўриб бориляпти. Масалан, Бухоро шаҳар перинатал марказида 7 нафар олий тоифали ва малакали, тажрибали шифокорлардан иборат "Устозлар кенгаши" тузилган. Улар ушбу муассасада суҳбатлар ўтказади, ходимлар, ҳомиладор аёллар ва уларнинг қариндош-уруғлари томонидан тўлдирилган анкеталар асосида фикр-мулоҳазаларни ўрганиб чиқадилар. Шунингдек, тиббиёт ходимининг малакаси, муомаласи ҳамда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини таҳлил қилиб боради. Асосий мақсад тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, коррупциянинг олдини олишдир.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йил ноябрь ойида имзоланган "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳам мазкур соҳага доир яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Шу билан бирга, ҳар бир шифокорни ишига қараб баҳолаш, муассасаларни даволанганлик ҳолатлари бўйича молиялаштириш, аудит ва ички текширув тизимини янада такомиллаштириш, энг муҳими, жамоатчилик ва депутатларнинг тизимли назорати йўлга қўйилмоқда. Ишонч телефони, турли мурожаатлар ва шикоятлар учун фикр билдириш қутиси, ходимлар ва беморлар ўртасида сўровномалар ўтказиш, видеокузатув мосламаларини ўрнатиш каби қатор чораларнинг кўрилаётганлиги ҳам соҳада коррупция ва турли салбий иллатларга чек қўйилишига хизмат қилмоқда.

Суратда: *Ромитан тумани Ғазли шаҳар поликлиникасида.*
Т.Истатов (ЎзА) фотоси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимдаги тиббиёт муассасаларидаги вазиятни назорат қилиб бориш, коррупциянинг олдини олиш, тамагирлик ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларида маънавий муҳитни шакллантириш, тиббий ва хўжалик хизмати ходимларини ўрнатилган меҳнат тартибига амал қилинишига эришиш, стационар хизмат сифатини юксалтириш мақсадида олиб борилган ўрганишлар тиббиёт ходимларининг ўз фаолиятига нисбатан эътиборини кучайтирди, масъулиятини оширди.

Ҳар бир тиббиёт ходими соҳада коррупцияга йўл қўйилмаслиги учун тиббий хизматнинг сифатли таъминланишига эътибор бериши лозим. Шунингдек, дори-дармон воситаларига ва тиббиёт жиҳозларига бўлган эҳтиёжни қоплаш ҳам коррупциянинг олдини олишда хизмат қилади.

Президентимизнинг "Халқ тиббиёт соҳасига қанчалик ишонса, давлатга ҳам шунчалик ишонади. Халқ кўрсатилаётган тиббий хизматлардан рози бўлса — давлатдан, бугунги юритилаётган сиёсатдан ҳам рози бўлади", деган сўзлари ҳар бир тиббиёт ходими учун амалий шиорга айланиши лозим.

Бугунги кунда фуқароларнинг тиббиётга бўлган талаб даражаси сон ва сифат жиҳатидан ошмоқда. Аммо ҳар бир шифокор ўз ишини астойдил севиб, аҳолига хизмат қилса, албатта, тамагирлик ҳолатларига барҳам берилади. Муҳими, шифокорларга одамларнинг ишончи ортади.

Мақсуд ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси

САРҲИСОБ: таҳлил, танқид ва натижалар

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда партиянинг барча даражадаги тузилмалари ва депутатлик корпуси томонидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, 2019 йилга мўлжалланган устувор мақсад-вазифалар ҳамда партия фаолиятига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаров маъруза қилди.

Партия етакчиси эътироф этганидек, 2018 йилда партия Сайловолди дастури ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, электорат ва аҳолининг кенг қатлами билан йўлга қўйилган самарали механизмлар асосида кенг мулоқот олиб борилди.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор йўналишлар партия фаолиятига замонавий ёндашув ва янги мазмун олиб кирди. Партия ўз фаолияти ва дастурий вазифаларини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқди.

Ҳисобот даврида партия томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, илм-фан, таълим-тарбия ва суд-ҳуқуқ соҳаларига асосий эътибор қаратилиб, ушбу йўналишларда муайян ишлар қилинди.

2018 йилда партиянинг амалий ҳаракатлар Дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган партиявий лойиҳалар доирасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, халқ билан юзма-юз мулоқот ўрнатиш мақсадида "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида партиянинг барча туман, шаҳар кенгашларида фаоллар ва депутатлар томонидан мунтазам равишда маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар олиб борилди.

Республика бўйича **6109** та маҳалладаги **93620** та хонадон ва **5089** та хўжалик юритувчи субъектга ташриф буюрилди. Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан билдирилган **13466** та мурожаат асосида мутасадди ташкилотларга юборилган **2600** та депутатлик сўровининг **1651** таси ижобий ҳал этилган бўлса, **6800** та мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

"Мактабгача таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини" лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларининг жорий этилиши ҳолатлари республика бўйича мавжуд боғчалардан 1787 тасида жамоатчилик назорати тартибида ўрганилди. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига 48 та масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ижтимоий соҳа ривожи — аҳоли фаровонлигининг гарови" лойиҳаси доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ходимлар меҳнат фаолиятига оид ҳужжатларни давлат архивларига топшириш, жойларда ушбу соҳага оид қонунчиликка амал қилиш ҳолатлари **1 800** дан ортиқ ташкилотларда ўрганилди. Ушбу ташкилотларнинг **46** фоизида идоравий архивлар белгиланган талабларга жавоб бермаслиги, **15** фоизида эса идоравий архив умуман шакллантирилмагани аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда "Архив иши қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда у Қонунчилик палатасига киритилиш арафасида.

Ҳисобот даврида Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва сайловчиларга берилган ваъдаларни бажариш мақсадида депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларига **40** та, туман, шаҳар Кенгашлари сессияларига эса **228** та масала киритишга эришилди, бу борадаги кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2 баробарга ортди. Шунингдек, маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан йил мобайнида аҳоли ва сайловчиларнинг мурожаатлари асосида мутасадди ташкилотларга **5300** дан ортиқ депутатлик сўровлари чиқарилди. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,5 баробар ортгани қайд этилди.

Шунга қарамай, ўтган йил давомида партиянинг баъзи туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари сессиялар ва доимий комиссияларга бирорта масала ёки таклиф кирита олмагани пленумда кескин танқид қилинди. Шу билан бирга, аксарият ҳудудий кенгашларнинг тегишли масалалар юзасидан мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш ёки депутатлик сўровлари чиқаришдаги фаолияти ҳам етарли даражада эмаслиги танқид қилинди.

Алоҳида таъкидланганидек, 2018 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари **9** та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлди. Хусусан, "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги ҳамда "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасидаги ўрганишларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳамда соғлиқни сақлаш йўналишида арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш, ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш каби муаммолар кўп кўтарилган эди. Айнан шу икки масала Қонунчилик палатасида илк бор ташкил этилган "Ҳукумат соати" кун тартибига фракция ташаббуси билан киритилиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарларининг ушбу масалалар бўйича ахборотлари эшитилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг овқатланиши билан боғлиқ муаммолар ва бу муаммоларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар юзасидан фракция ташаббуси билан халқ таълими вазирига парламент сўрови юборилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишида муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномаси ҳамда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури асосида партия ва фракция томонидан 2019 йилга мўлжалланган алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Бунда, аввало, фракция аъзолари томонидан қонун ташаббускорлиги, айниқса, тўғридан-тўғри ишлайдиган (ҳаволаки нормаларсиз) қонунларни ишлаб чиқиш, сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар ва ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ўрганиш орқали уларнинг ечимини топишда соҳадаги масъул вазирликларга парламент сўровларини юбориш каби вазифалар белгилаб олинди.

Жорий йилда партия фракцияси ташаббуси билан "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида"ги, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни партиянинг барча бўғинларида муҳокамадан ўтказиш ва ўрнатилган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш устувор вазифалар қаторида белгиланди.

Шу билан бирга, пленумда партиянинг барча даражадаги бўғинлари ва депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда 2019 йилда партиянинг бир қатор лойиҳалари доирасида тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида янги ташкил этилаётган хусусий клиникалар фаолиятини, болалар стоматологик касалликлари профилактикаси ҳолатини, фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар самарасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, ҳудудларнинг ривожланиши учун жалб этилаётган инвестициялар юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, олий таълим муассасаларида тузилган Жамоатчилик кенгашлари фаолияти устидан тизимли мониторинг олиб бориш ва уларнинг фаолиятига кўмаклашиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Анжуманда партия фаолиятига оид бошқа бир қатор муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан партия Сиёсий Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Пленум якунида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида демократик жараёнларни жадаллаштириш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ орасидаги танилувчанлиги ва обрўсининг ошишига хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бир гуруҳ ҳудудий партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларида фаолият олиб бораётган ташаббускор сафдошларимиз партия томонидан таъсис этилган "Адолат" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Баҳром БУРҲОНИДДИНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари

Сўз — пленум иштирокчиларига!

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— 2018 йилда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича бир қатор ишлар олиб борилди. Хусусан, бугунги кунда болалар стоматологияси соҳасида кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар тўпланган, чунки мактаб ва ўсмир ёшидаги болалар касаллигини ўз вақтида даволанмаслиги нохуш оқибатлар олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда фракциямиз Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент давлат стоматология институти вакиллари билан ҳамкорликда ҳудудларда ўрганишлар олиб борди.

Натижада умумтаълим мактабларида стоматология хонаси йўқлиги, болаларга биринчи ёрдам кўрсатувчи керакли дори воситаларининг етарли эмаслиги, кариесга чалинган болаларга тиббий муолажалар қилинмагани маълум бўлди. Ҳозирда соҳага доир қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси фракция аъзолари томонидан қайта кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, партия ва фракция билан ҳамкорликда халқимиз генофондини сақлаш учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационини бўйича амалдаги меъёрларни қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам Давлат дастури лойиҳасига таклиф сифатида киритилган эди. Қувонарлиси, мазкур масала ҳам давлат дастурининг 155 бандида ўз аксини топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП ўртасида ҳамкорлик Меморандуми доирасида ҳозирги замон талаблари ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хусусан, трансплантологияга, ЭКУ (экстракорпорал уруғлантириш) каби масалаларни қамраб олган — "Инсон аъзолари, тўқималари ва (ёки) ҳужайраларини трансплантация қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва аҳоли орасида муҳокама қилиш ҳамда қабул қилинишига эришиш белгиланган эди.

Ҳозирда мазкур қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, ҳудудларда ҳам ушбу қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 50 дан ортиқ учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, бир қатор таклифлар қайд этилди.

Фракция ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва мазкур қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисларида муҳокама қилингани ҳам партиямиз дастурий мақсадларининг ҳаётга самарали татбиқ этилаётганидан далолат беради.

Исроил ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси:

— Ҳозирда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашида 8 та депутатлик ўрнига эгамиз. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида эса жами 40 нафар депутатимиз фаолият юритмоқда. Бироқ, 5 та туман, шаҳар маҳаллий Кенгашларида депутатлик гуруҳларини ташкил эта олмаганимиз афсусланарли ҳолдир.

Ушбу камчиликларимизни бартараф этиш мақсадида келгуси сайловларга тайёргарлик кўриш, муносиб номзодларни танлаш юзасидан алоҳида чора-тадбирларни белгилаб олганмиз.

Ўтган йил давомида шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида мактабгача таълим ва умумтаълим мактабларида умумий тиббий хизмат ҳолати ўрганилди, уларда аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этишда доимий комиссия йиғилишларига 5 та ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига 10 та масала киритишга эришилди. Айнан шу лойиҳа доирасида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияда 1 та масала муҳокама қилинишига эришдик.

Партиямизнинг "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови", "Мактабгача таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини" лойиҳалари доирасида ҳам партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан доимий комиссия йиғилишлари ва сессиялар муҳокамасига масалалар киритилди.

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашида 1 нафар депутатлик ўрнига эга бўлсак-да, шу биргина депутатимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессиясида 3 та масала кўриб чиқилди.

"Мактабгача таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини" лойиҳаси доирасида ўтган йил давомида муайян ишлар амалга оширилди. Аммо ишчи гуруҳлари томонидан ўрганишлар натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига масалалар киритишда депутатларда ташаббускорлик етишмаганлиги, афсуски, вилоятимиз кўрсаткичларига ўз салбий таъсирини кўрсатди. Тан олиб айтиш керакки, лойиҳаларимиз доирасида ўрганиш ишлари тўғри ташкил этилгани билан аниқланган долзарб масалаларни маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва сессиялари кун тартибига киритишда лозим даражада фаоллик кўрсата олмадик.

Бунда маҳаллий Кенгашларимиз раисларининг ҳам айби бор, албатта. Улар томонидан депутатларимизнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, биргаликда иш олиб боришда бироз оқсоқликлар мавжуд. Маҳаллий Кенгашлар ижрочи котибларининг масъулиятини ошириш бу каби камчиликларимизни келгусида тўғрилаб олишимизга имкон яратади.

Ориф ШУКУРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:

— Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз имкониятларидан самарали фойдаланишлари учун кўмаклашишга эътибор қаратмоқда. Жумладан, вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан 2018 йил давомида жами 121 та тадбир ўтказилиб, ушбу тадбирларга 7465 нафар ёшлар жалб этилди. Шунингдек, вилоят партия кенгаши қошида иқтидорли ёшлар учун "Истеъдод клуби" фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу клубда ёшлар 7 та йўналиш бўйича ўз иқтидорларини намоён этиб келмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида сиёсий партияларнинг ёшлар, шунингдек, уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳолати бўйича таъкидлаган танқидий фикрларидан келиб чиқиб, Жиззах вилоят партия кенгашининг алоҳида чора-тадбирлар режаси ижрога йўналтирилди.

Шу билан бирга, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар билан ишлаш, чет элга чиқиб кетган ёшларни юртимизга қайтариш, ишга жойлаштириш юзасидан ишчи гуруҳлари томонидан чоралар кўрилмоқда.

Жойларда ўтказилган суҳбатлар ва учрашувларда чет элга чиқиб кетган ёшларнинг ота-оналари иштирокида ижтимоий тармоқлар орқали 234 нафари билан алоқалар ўрнатилиб, улар мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлар билан яқиндан таништирилди.

Шунингдек, вилоят ҳудудларидан турли диний оқимларга кириб қолган 19 нафар ёшларнинг ота-оналари билан доимий равишда суҳбатлар олиб борилди ва бундай тарғибот ишлари ижобий натижалар бермоқда.

Вилоятда партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан 2018 йил давомида 2486 та учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 62155 нафар ёшлар қамраб олинди ҳамда 2746 та хонадонга ташриф буюрилди. Шунингдек, 572 нафар ёшлар иш билан таъминланди, 4115 нафар ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ва 26 нафар ёшлар чет давлатлардан қайтарилди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг доимий комиссияси йиғилишига ҳам депутатларимиз ташаббуси билан уюшмаган ёшларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар киритилди. Шунингдек, Дўстлик, Зомин, Зарбдор ва Ғаллаорол туман партия кенгашлари ташаббуси билан уюшмаган ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилган ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилинди.

Дилором МЕҲМОНОВА,
халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши депутати, "Адолат" кўкрак нишони соҳиби:

— Партия тизимида "Адолат" кўкрак нишони таъсис этилганлиги партиянинг ўз аъзоларига, депутатларига ва кадрларига кўрсатаётган эътиборини ифодалайди. Бу нишонни кўксига қадаган ҳар бир сафдошимиз қалбида партияга бўлган садоқат ҳисси ва масъулияти ортади.

Депутат сифатида бу ишончга жавобан бундан кейин ҳам партиямизнинг нафақат Қувасой шаҳрида, балки вилоятимиз аҳли орасида обрўсини мустаҳкамлаш, нуфузини оширишга, сафимизни кенгайтиришга ҳисса қўшишни мақсад қилдим. Дастурий ғояларимизни ҳудудда соҳалар ривожи учун татбиқ этишда фаолроқ ишлаш қатъий вазифамиз саналади.

Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг йиғилишида қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар дастлаб "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар. Мазкур қонун лойиҳаси фракция аъзоси М.Дадаходжаева ва бошқа депутатлар ташаббускорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган бўлиб, унинг мақсади аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, бепуштликнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Бугунги кунда юртимизда репродуктив саломатлик масаласида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Шу боис бу масалада фуқароларимиз кўпинча бошқа мамлакатларда тиббий муолажалар олишмоқда. Айтиш мумкинки, аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилашнинг асосий мақсади эркак ва аёллар бепуштлигининг олдини олиш ва даволаш тизимини қонунчилик даражасида мустаҳкамлашдир.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, дунёда репродуктив ёшдаги жуфтликлар орасида бепуштликнинг тарқалиши ўртача 10-15 фоизни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, эрхотинларнинг ижтимоий-руҳий ҳолати бузилишига, оилада зиддиятли масалалар вужудга келишига, ажримлар сонининг ўсишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотларига биноан охирги йилларда мамлакатимизда оилавий ажралишларнинг 4,7 фоизи жуфтликлар бепуштлигига тўғри келади. Мамлакатимизда ўтказилган турли тадқиқотлар бирламчи бепуштликка чалинган аёллар барча турмуш қурганлар умумий сонига нисбатан 4,9 фоиздан 5,3 фоизгачани ташкил этишини кўрсатади. Шу муносабат билан қонун лойиҳасини кўп йиллардан буён фарзанд кўролмай юрган аҳолининг талаби ва истаклари, шунингдек, билдирилган таклифлар ва йўлланган мурожаатлари асосида ишлаб чиқишга зарурат туғилди.

Лойиҳада фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг репродуктив танлов эркинлиги, шунингдек, репродуктив ҳуқуқларини рўёбга чиқарувчи ташкилотлар ва юридик шахсларнинг фаолиятини амалга оширишга доир қоидалар, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, бепуштликни даволаш, унинг профилактикаси ва олдини олиш бўйича тиббий хизмат кўрсатаётган давлат ва хусусий сектор ташкилотлари тизими аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилишида ижрони таъминлаш ва унинг мазмуни аҳолига тушунарли бўлишини назарда тутиб, "фуқароларнинг репродуктив саломатлиги", "фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари", "ёрдамчи репродуктив технологиялар", "оилани режалаштириш" каби асосий тушунчалар алоҳида белгилаб қўйилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фуқароларга юқори технологияларга асосланган сифатли ва юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради. Ушбу ҳужжат мазкур соҳа ҳамда тиббиёт фани, шунингдек, хусусий тиббиётнинг ривожланиши учун зарур бўлган бозор механизмларини жорий этишга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларининг рақобатбардошлиги оширилишини таъминлайди.

Бу эса "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурида илгари сурилган аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, талаби юқори бўлган тиббий муолажаларга, хусусан, экстракорпарал уруғлантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга рухсат бериш каби вазифаларга мос эканлиги билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар бир неча йилдан буён партия томонидан соҳа мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилганлиги, бу борада халқаро тажриба ўрганилганлиги ҳамда чет давлатларда минглаб доллар сарфлаб муолажа олиб қайтаётган, аксарият ҳолларда бу муолажалар фойда бермаётган фуқароларимизга қулайликлар яратиши фракция аъзолари томонидан таъкидланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан партия фракциясининг позицияси белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ижрочи котиби

Амалий ёрдам кўрсатилмоқда

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Жойларда қонун устуворлигини таъминлаш халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатларнинг муносиб фаолият олиб бориши билан белгиланади.

Халқ депутатлари Сариосиё тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, аҳолининг таклифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Партия депутати Чиннигул Саидова фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ўрганишлар олиб бориб, электорат манфаатларини рўёбга чиқаришга интилмоқда. Жумладан, "Биллур" МФЙда ўтказилган очиқ мулоқотларда фуқаролар Рухсатой Холбобоева, Муродқул Одинаев, Нарзикул Мардонов ички йўлни асфальтлашда кўмак сўрашди. Туман ҳокимлигига киритилган депутатлик сўрови натижасида "Биллур" МФЙдаги ички йўлларни таъмирлаш вазифаси 2019 йилги манзилли дастурдан жой олди.

"Алишер Навоий" маҳалласидаги ўрганишларда фуқаролар Бахтиёр Шамсиев, Асад Каримов, Саъдулла Холиқов, Гулсум Расулова мурожаат қилиб, хонадонларда электр энергияси таъминотида муаммо борлиги, яъни эскириб қолган трансформаторни янгисига алмаштириш зарурлигини баён этишган эди. Депутатимиз аралашуви билан туман электр тармоқлари корхонаси томонидан маҳалладаги трансформатор янгиланди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Кумриддин Насриддиновга тумандаги "Ниҳолзор" МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Анзират Ёдгорова мурожаат қилиб, унга юрак хасталиги ташхиси билан ногиронлик нафақасини тайинлаш ва даволаниши учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан Республика Кардиология марказига йўлланма олишда ёрдам сўради. Мурожаат юзасидан депутатимиз соғлиқни сақлаш бошқармасига, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига мурожаат қилди ва фуқарога йўлланма олиб берилди.

Шунингдек, "Ниҳолзор" МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро Алишер Боймуродов оиласи ижтимоий ҳимояга эҳтиёжмандлиги, уйининг том қисмини таъмирлашда моддий жиҳатдан қийналганини баён этди. Мазкур мурожаат юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда маҳалладаги тадбиркорлар жалб қилиниб, уларнинг ҳомийлигида А.Боймуродовга амалий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро А.Махсумов мурожаат қилиб, бир ховлида ака-укалар З.Махсумов, О.Махсумов билан жами уч оила яшаётганлиги, шу боис уй-жой қуриш учун 4 сотих ер майдони ажратилишида ёрдам кўрсатишни сўради. Депутат Қ.Насриддинов аралашгач, фуқаро А.Махсумов уй қуриш учун ер ажратилаётган кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Зуҳра Эсанова туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Сурхон сифат текстиль" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Ип йигирув" фабрикасига 100 нафардан зиёд хотин-қизлар ишга жойлашишида амалий ёрдам берди. Бундан ташқари, депутатимиз саъй-ҳаракати билан тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан мурожаат қилган хотин-қизларга кредит маблағлари олишларида ҳам ёрдам кўрсатилди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун (парранда боқиш, чорвачилик билан шуғулланиш) туманда истиқомат қилувчи хотин-қизларга кредитлар берилди. Жумладан, шу мақсадда *"Сўфиён" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Ўғилбиби Ҳасановага 13 миллион сўм, "Наврўз" МФЙдан Мафтуна Тоғаевага 17 миллион сўм, "Ширин" МФЙдан Зулайҳо Ҳамдамова, "Шоҳимардон" МФЙдан Муқаддас Салимовага 17 миллион 200 минг сўмдан кредит берилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашларида амалий кўмак кўрсатилди.*

Партия депутатлари маҳаллаларда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, диний экстремизмнинг олдини олишнинг ҳаётий аҳамияти, ОИТС, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, оилани мустаҳкамлаш каби мавзуларга ҳам учрашувлар чоғида эътибор қаратишмоқда.

Аммо депутатларнинг фикрича, сессияга ва доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамасига долзарб масалаларни киритишда талаб даражасида фаоллик кўрсатилмаётибди, натижада депутатлик ваколати тақозо этган имкониятлар бой берилмоқда. Сайловчилар ишончини оқлаш ва ҳудудда партия нуфузини мустаҳкамлашда ваколатлардан унумли фойдаланиш лозим.

Гулшода ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Умумтаълим мактаблари:

ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИМИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", "Таълим сифати — партия нигоҳида" лойиҳалари асосида шаҳар ва туман партия ташкилотларида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан 2018 йилнинг IV чорагида 80 та умумтаълим мактабида ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишлар чоғида, афсуски, бир қанча мактаблар ДТС талабларига жавоб бермаслиги, қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлди.

Хусусан, аксарият мактабларда тиббий хоналар мавжуд эмас. Бинобарин, ота-оналар фарзандини педагогларга ишониб топширишади. Буни ҳаёт дейдилар, кутилмаган ҳолатларда болага биринчи ёрдам кўрсатадиган тиббиёт хоналар бўлмаса, ўқувчининг соғлиғига ким жавоб беради? Аниқланишича, ҳудуддаги 57 та умумтаълим мактабида жароҳат олиш эҳтимоли мавжуд бўлган меҳнат таълими, жисмоний тарбия дарсларида техник хавфсизлик талабларига риоя килиниши устидан тиббий ходимлар томонидан назорат ўрнатилмаган, 36 та мактабда тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормас экан.

Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланишида ҳам муаммолар бор. Бу камчиликлар қаторида бир қатор китоблар ўқиш учун яроқли аҳволда эмаслигини келтириб ўтиш жоиз. Буларга дарсликлар матнида хатоликлар учрашини ҳам қўшсак, муаммо анча чуқур эканини тасаввур қиламиз. Бундай хатоликларга йўл қўяётган нашриётлар таълим-тарбия борасида катта ёшдагилар доимо ёшларга андоза бўлиши кераклигини унутишган кўринади. Яъни ўзимиз хато ёзганимиздан сўнг болалардан тўғрисини талаб қилиш ўринли иш эмас, албатта. Бу мулоҳазаларни тегишли мутасадди ташкилотлар эътиборга олиб, яхшилаб ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўрганилган умумтаълим мактабларида 50 турдаги ўқув дарсликларидан асосан она тили, тарих, физика ва хориж тилларини ўргатишга мўлжалланган дарсликларнинг етишмаслиги ачинарли ҳол саналади.

Тегишли йиғилишларда ишчи гуруҳлари томонидан аниқланган муаммо ва камчиликлар таҳлил этилиб, хулосалар асосида халқ депутатлари Оқолтин, Мирзаобод, Сардоба, Сайҳунобод, Боёвут туманлари Кенгашлари сессиясига масала киритиш вазифаси белгиланди. Шунингдек, ўрганишлар ҳақидаги ахборот вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддиларига тақдим этилди.

Зеро, фарзандлар бизнинг келажагимиздир. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, фарзандимиз мактабларда таълим олиши ҳар биримизнинг масъулиятимизни янада ошириши керак.

Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

Аҳоли манфаати учун қилинган ҳар бир иш ўзининг амалий натижасини кўрсатса, шубҳасиз, жойларда партиямиз ходимлари ва депутатларга нисбатан ишонч ортади. Тўғри, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг турли лойиҳалари доирасида бир қатор ўрганишлар олиб борилмоқда. Ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ечимини кутаётган долзарб масалалар партия депутатлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама этиб келинмоқда.

Сессия қарори ИЖРО ЭТИЛДИМИ?

Аммо танганинг иккинчи тарафи бор деганларидек, баъзан депутатлар ҳамда масъуллар сессияда қабул қилинган қарорлар ижросини эътиборга олишмайди, ҳатто қизиқишмайди ҳам. Бундай ҳолатларда ўрганишлар гўёки ҳисобот учунгина олиб борилгандай таассурот уйғотади кишида.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашидаги партия депутатларининг бу галги ўрганишлари ўз амалий натижасини кўрсатди, масалага депутатлар ҳам, масъуллар ҳам эътибор билан ёндашиб, аҳоли манфаатлари йўлида амалий ишларнинг натижасига эришдилар.

2018 йилнинг сентябрь ойида партия депутатлик гуруҳи аъзолари "Мактабгача таълим — кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини" лойиҳаси доирасида шаҳардаги "Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш сифати, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларининг жорий этилиши ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида янги турдаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ҳолати"ни атрофлича ўрганиб, натижада ушбу масала маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқилди.

Ўрганишларда аниқланганидек, шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфида 16 та давлат МТМ бўлиб, шундан 14 та МТМ фаолият олиб бораётганлиги аниқланди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан 2018 йилда шаҳарда давлат-хусусий шериклиги асосида нодавлат МТМ тармоғини кенгайтириш бўйича 5 та янги боғча биносини қуриш ишлари бошлаб юборилган. "Адолат" маҳалласида "Когон-БЕК болажон", "Улуғбек" МФЙда "Нур-зиё", "Зирабод" маҳалласида "Буюк болажон", "Туркистон" МФЙда "Камалак", "Хўжабарги" МФЙда "Ширинтой мухлис" сингари 100-120 ўринли боғчалар барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, шаҳарда 3-7 ёшли болалардан 2480 нафари боғчаларда тарбияланмоқда, аммо 2769 нафар кичкинтойлар МТМларга қамраб олинмаган. Шунингдек, 1-мактабгача таълим муассасаси биноси таъмирталаб аҳволда, 15-МТМ гарчанд 280 ўринга мўлжалланган бўлса-да, болажонлар учун атиги 140 ўрин ажратилган. Бинонинг қолган қисмида эса шаҳар архив бўлими фаолият олиб бораётган экан. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессия муҳокамасига тақдим этилган таҳлил ва хулосалар тизимдаги масъул шахсларнинг масалага эътиборини кучайтирди.

Сессия қарорига кўра, тегишли ташкилотлар раҳбар ходимларига шаҳардаги МТМларда болаларни мактабгача тайёрлаш сифатини янада ошириш, таълим-тарбия жараёнига замон талабларига жавоб берадиган таълим дастурлари ва технологияларининг жорий этилиши юзасидан алоҳида манзилли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, бир қатор МТМ биноларини таъмирлаш бўйича аниқ вазифалар топширилди.

Кўп ўтмай ҳудудда боғчалар сони яна 2 тага ошди. 1-МТМ биноси 135 ўринга мўлжаллаб янгидан қурилди. 15-МТМ биносида архив идораси фойдаланаётган қисми ҳам кичкинтойлар ихтиёрига берилиб, боғча тўлиқ қувват билан ишлаши учун қайта реконструкция қилинди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, партия томонидан олиб борилган ўрганишлар уларнинг ҳам масъулиятини оширди.

Ўрганишлар таҳлил қилиниб, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқ натижаларга эришилса, мавжуд муаммоларга амалий ечим топилиб, пировардида аҳолининг манфаатлари рўёбга чиқади. Очиқ мулоқотлару ўрганишлардан кузатилган мақсад ҳам шунга қаратилмоғи лозим.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Ёшлар билан учрашув

ТАДБИР

Ҳуқуқий тарбия — демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим омилларидан бири саналади. Ёшларда қонунларга ҳурмат ва қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан муросасизлик руҳини шакллантириш, айниқса, ушбу соҳада фаолият юритаётган мутасаддиларнинг муҳим вазифасидир.

Фарғона давлат университети 5-сонли талабалар турар жойида Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати ёшлар билан ҳуқуқий тарбиявий фаолиятни йўлга қўйиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши улар билан биргаликда курашиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши, Фарғона шаҳар ИИБ, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда университет ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари К.Исроилова, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Ш.Аббосова миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритишди. Шаҳар ИИБ вакилларининг ёшлар ҳуқуқбузарликлари, жиноятчилигига доир аниқ мисоллар келтириб, жиноятларнинг сабаб ва оқибатлари хусусида берган маълумотлари барчанинг диққат-эътиборида бўлди.

Талабалар билан очиқ мулоқот чоғида уларнинг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича билдирган таклифларини ҳам мутахассислар алоҳида қайд этишди.

Тадбир ташкилотчилари талабалар турар жойида ёшларнинг яшаш шароитлари, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шуғулланаётган машғулотлари билан танишдилар. Ушбу масканда талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш учун ташкил этилган ўқув хоналари, кутубхона, матбуот-ахборот бўлимлари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Жаҳонгир МИРЗАТИЛЛАЕВ,
Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси терговчиси

Кимёвий даврий жадвалнинг бўш катаклари тўлдирилмоқда

Бу йил кимёвий элементларнинг Менделеев даврий жадвали яратилганига 150 йил тўлади. БМТнинг қарорига мувофиқ, 2019 йил — "Халқаро кимёвий элементларнинг даврий жадвали йили", деб эълон қилинди.

Д.Менделеевнинг кимё фанида инқилобий кашфиёти бундан бир ярим аср олдин юз берган эди. Шу билан бирга, бу илмий концепцияга ҳозиргача охирги нуқта қўйилмаган. Яъни турли мамлакатлар олимлари ушбу машҳур даврий жадвалдаги бўш катакларни тўлдиришда давом этишмоқда.

Даврий жадвал кашф этилган пайтда кимё олимларига 63 элемент номи маълум эди, шундан буён яна 55 таси аниқланди, яъни ўртача ҳар уч йилда битта кимёвий элемент кашф қилинади. Шунинг баробарида бундай тадқиқотлар мазмунан жиддий равишда ўзгарди. XX аср ўрталарида даврий жадвалнинг янги катаклари тезлаткичлар ёрдамида синтез қилинган сунъий элементлар номи билан тўлдирилди. Бу жараёнда кимё олимлари эмас, физиклар асосий ўринни эгалладилар. Аксарият янги элементлар синтези нархи қиммат ва юқори технологик жараёнларни талаб қилади, шу боис бу "пойга"да Россия, АҚШ, Европа ва Япония давлатларининг йирик лабораторияларигина иштирок этмоқда. Хусусан, коинотда ҳам янги элементларни тадқиқ этиш борасидаги "пойга" давом қилмоқда.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошига қадар янги элементлар синтези бўйича ғолиблик АҚШга тегишли эди. Лекин тез орада Москва яқинидаги Дубнада жойлашган Ядро тадқиқотлари бирлашган институти (ЯТБИ) бу борада етакчилик қила бошлади. Умуман айтганда, даврий жадвалнинг 101дан 106 гача бўлган элементларини собиқ иттифоқ олимлари билан америкалик физиклар ана шу "пойга" туфайли синтез қилишган. Бир неча ҳолатларда илк ихтирочилик масаласи баҳс-мунозара мавзусига ҳам айланган.

Маълумки, элементнинг номи ва унинг кашф этилишида ихтирочилик масаласига доир охирги қарорни Халқаро амалий ва назарий кимё иттифоқи (IUPAC) қабул қилади.

Яқинда Сэма Кин томонидан "Science" журналида эълон қилинган Менделеев даврий жадвалида ҳозирги кунгача тажриба натижасида аниқланган барча элементлар акс эттирилган. Унда XX аср охири XXI аср боши оралиғидаги даврда мазкур даврий жадвалда янги катаклар тўлдириш бўйича етакчилик дунёнинг бир минтақасидан бошқа минтақасига кўчиб юрганини кўриш мумкин.

Собиқ иттифоқ ва Россиянинг бу борадаги етакчилиги академик Юрий Оганесян раҳбарлиги остида ёки унинг иштирокида ЯТБИда амалга оширилган бир қатор муҳим технологик ишланмалар билан узвий боғлиқдир.

Даврий жадвални тўлдириш жараёни яна давом этиши учун тадқиқотчилар бир неча принципиал масалаларни ҳал этиши зарур бўлади. Улардан бири — 119-элемент учун калций ядролари билан фокус (нурларнинг кесишган нуқтаси) техник сабабларга кўра аниқ кўринмаётганидан иборат. Олимлар ўтган йил Дубнада амалиётга жорий этилган Superheavy Element Factore ("Энг оғир элементлар фабрикаси") номини олган қурилмага катта умид боғлашмоқда. Ушбу қурилма 119-, 120- ва 121-рақамли элементларни олишга имкон бериши кутилмоқда.

Менделеев даврий жадвали аслида жами нечта қатордан иборат, бунинг охири борми? Назариётчилар ушбу саволга ҳар хил жавоб беришади. "Science" журналининг ўтган ҳафтадаги сонида ЯТБИда янги кимёвий элементларнинг синтези ҳақида батафсил сўз юритилган. Мақолада янги элементлар синтези борасида Россия етакчилик қилиши замирида 85 ёшни қаршилаган Юрий Оганесяннинг алоҳида хизматлари борлиги эътироф этилади.

Мобиль ускуналар болага қандай таъсир қилади?

Кўп вақтини мобиль ускуналар экранига термулиб ўтказадиган 2-5 ёшдаги болалар ривожланишини ўрганишга оид тестларда тенгдошларига нисбатан кам балл тўплашади. Болалар соғлиғи ва педиатрияси ҳақидаги JAMA Pediatrics илмий журналида эълон қилинган тадқиқотда шу ҳақда сўз юритилади.

Калгари университети (АҚШ) психологлари 24-, 36-, 60-ойлик болалар ривожланишига гажетлар қандай таъсир қилишини ўрганишди. Тарбиячилар ҳар куни болалар ўртача қанча вақтини мобиль ускуналар экрани олдида ўтказаётганини ёзиб, уларнинг мулоқот ва ҳаракат кўникмаларини ҳам баҳолаб бордилар. Тадқиқотларда смартфон ёки планшетга 2 ёшда қизиққанлар умумий ривожланишда 36 ойлик боладан, худди шундай 3 ёшда қизиққан кичкинтойлар 60 ойлик боладан паст кўрсаткичларда экани маълум бўлди.

Олимлар бунинг сабабини жуда оддий қилиб тушунтиришмоқда. Яъни мобиль қурилмага андармон бўлиб қолган бола ўйнамайди, юрмайди, бошқалар билан мулоқот қилмайди, жисмоний фаолликда бўлмайди. Натижада унинг кўникмалари ривожланмай қолади. Улар экран олдида ўтирганида "ота-она-бола" деган муҳим омил, яқин муносабатлар ҳам бўлмайди.

Кичик ёшдаги бола экранга машғуллиги боис, у одамлар ўртасида бўлиш, ҳаракатланиш, мулоқот кўникмаларини ўзлаштиролмай қолади. Бундай болаларнинг ҳаёт тарзи кўпинча бир жойда ўтириш билан кечади. Натижада юриш, югуриш каби жисмоний ҳаракатни талаб қиладиган машқлар билан шуғулланмайдилар, бу эса келажакда жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ИИВ ХАБАРЛАРИ

ПОРА БЕРАЁТГАНДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида 5 февраль куни туман ИИБ ҳузуридаги ТБ суриштирув гуруҳи суриштирувчиси С.Д. Муборак тумани ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилиб, шу йил 4 февраль куни "Ширинбулоқ" ЙПХ масканида Хоразм вилояти Гурлан туманида яшовчи Ғайрат Худойберганов бошқарувидаги "Исузу" юк автомашинаси юкхонасидан Хоразм вилояти Гурлан тумани Сохтиён МФЙда яшовчи Р.Б. тегишли 150 қоп аммиакли селитра минерал ўғит маҳсулоти борлиги аниқланганлигини маълум қилган.

Ҳолат юзасидан терговга қадар текшириш ҳаракатлари олиб бориш жараёнида Р.Б. автомашинани мусодара қилмаслик ва ишни унинг фойдасига ҳал қилиб бериш эвазига ходимга пора сифатида 4 миллион сўм пора таклиф этгани маълум бўлган. Ушбу билдирги юзасидан 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик бошқармаси Қашқадарё вилояти бўйича бўлими, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Муборак тумани бўлими ва Муборак тумани прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбир натижасида Р.Б. пора сифатида 3 млн. 819 минг сўм пулни ходимнинг хизмат хонасида унга берган вақтида тадбир иштирокчилари томонидан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан 6 февраль куни жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

СУВ ҚУВУРЛАРИ ЖОЙИГА ҚАЙТАРИЛДИ

2019 йил 28 январь куни соат 22:00ларда Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида яшовчи К.С. ва С.Д.лар Раушан ОФЙ ҳудудидан ўтган, "Қўнғирот сода заводи" МЧЖга тегишли умумий қиймати 23 130 250 сўмлик бўлган темир сув қувурларини ўғирлаб кетаётган вақтларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўлга олинган.

15 300.000 СЎМ ТОПИЛДИ

2016 йил 17 апрель куни номаълум шахс Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри Мисгарлик кўчасида, эшиклари очиқ ҳолда қаровсиз қолдирилган, хусусий тадбиркор Қ.С.га тегишли "Нексия" русумли автомашинаси юкхонасидан 15 300.000 сўм пулини ўғирлаб кетган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Қўштепа туманида яшовчи Ш.М. содир этганлиги аниқланиб, ушланди. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

— Меҳнат таътилига чиққан эдим. Энди ташкилот раҳбаримиз иш кўплигини рўкач қилиб, чақириб оламан деяпти. Агар ишга қайтсам меҳнат таътили тўлови ва моддий ёрдам пулларини ола оламанми?

Т.Бўрибеков, Фориш тумани

— Ушбу ҳолатда меҳнат таътилидан чақириб олиниш учун амалдаги қонунчиликка асосан ходимнинг розилиги керак бўлади. Розилик берилмаса ходимни ишга жалб қилиш мумкин эмас. Ўз розилиги асосида таътилдан чақириб олинганда, таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига қўшилиши лозим.

Таътил учун эса ҳақ тўлаб берилади. Меҳнат кодексига мувофиқ таътил учун ҳақ тўлаш таътил бошланмасидан олдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилиши лозим.

— Мени 2 йил аввал «директор ўринбосари лавозими бўйича ўтказилган танловдан ўтолмаганлиги учун», деган буйруқ билан меҳнат шартномамни бекор қилишган. Ваҳоланки, танлов даврида вақтинча директор ўринбосари лавозимида бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз, яъни касал бўлиб, танловдан бехабар қолганман. Ҳозирги кунда ушбу масала бўйича тегишли мутасадди ходимларга шикоят қилишим мумкинми?

П.Солиев, Андижон вилояти

— Қонунчиликка мувофиқ якка меҳнат низолари меҳнат низолари комиссиялари ёки туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Лекин ушбу ҳолатда мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган.

Меҳнат кодексига асосан ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой ичида судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш керак.

Муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра, мазкур ҳолатда тўғридан-тўғри фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суд даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас.

Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, даъво муддатини тиклайди. Агар суд мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

Саволларга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

МИБ хабар беради

Рейднинг етти кунида 3,7 миллиард сўм жарима ундирилди

Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ҳамкорликда МИБ иш юритувидаги ижро ҳужжатларининг қарздорликлари ундируви бўйича қўшма рейд — тадбир ўтказмоқда.

30 январь 2019 йилдан бошланган тадбирнинг 7 кунида жами ундирилган жарималар миқдори 3 713 370 355 сўмни ташкил этмоқда. Жами 12 401 нафар қоидабузарлар аниқланган.

Таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳар ҳайдовчиларининг бошқа вилоятларда содир этган ҳуқуқбузарликлари бўйича 6 967 нафар ёки 2 116 697 716 сўм жарималар ундирилган.

Бюронинг Тошкент шаҳар иш юритувидаги ижро ҳужжатлари бўйича пойтахтнинг 20 та марказий кўчаларида ЙҲХБнинг патруль хизмат автомобилларида ўрнатилган автоматик мослама ёрдамида 7 кунда 5 345 та қоидабузарлардан 1 797 744 176 сўм жарима ундирилган.

Шунингдек, 60 та автотранспорт воситалари жарима майдончаларига жойлаштирилди. Мазкур жараёнда мажбурий бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қидирувда бўлган 15 та автотранспорт воситаси ҳам аниқланди.

МИБ Тошкент шаҳар ахборот хизмати

БОЖХОНА БЕКАТИ

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари қонунбузарлар томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига қарши, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ноқонуний товарларнинг умумий қиймати

2 миллиард 647 миллион сўмни ташкил қилди

Хусусан, Хитойдан келтирилган ва шаҳардаги омборлардан бирида сақланаётган оёқ кийим тагликлари божхоначилар томонидан назоратдан ўтказилди.

Текширув вақтида аниқланишича, ҳужжатларда кўрсатилган товарлардан ортиқча бўлган ва яширин тарзда сақланаётган 2400 жуфт болалар оёқ кийими, 57 525 жуфт аёллар шиппагининг таг қисми ва 72 348 жуфт аёллар шиппагининг устки қисми борлиги аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ноқонуний сақланаётган товарларнинг умумий қиймати 2 миллиард 647 миллион сўмни ташкил қилади.

Заргарлик буюмлари фош этилди

Ўзбекистонда фуқароларга ўз эҳтиёжлари учун 65 граммгача заргарлик буюмларини божхона тўловларисиз олиб киришга рухсат этилади. Аммо ушбу маҳсулотларни кўп миқдорда мамлакатга ноқонуний олиб киришга бўлган уринишлар ҳамон учраб турибди.

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Ғиштқўприк" чегара божхона постига пиёда кириб келган фуқаро Т.Н. холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганида, унинг қўл юклари орасида ва этиги ичига яширилган, оғзаки сўровда тақдим этилмаган ва йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган, қиймати 7 560 000 сўмлик, жами оғирлиги 252 грамм бўлган 39 дона оқ рангли металлдан ясалган заргарлик буюмларини мамлакатга яширинча олиб кираётгани аниқланди.

Яна бир ҳолатда фуқаро У.А.нинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганида, йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган, жами оғирлиги 335 грамм бўлган, оқ металлдан ясалган умумий қиймати 10 050 000 сўмлик яъни, 45 дона заргарлик буюмларини божхона назоратидан яширганлиги аниқланди.

Яна бир фуқаро М.Ғ. холислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганида, оёғидаги қора рангли туфлисининг ички товон қисмига 2 дона целлофан пакетда қиймати 21 000 000 сўмлик, оғирлиги 70 грамм бўлган 17 дона сариқ металлдан ясалган заргарлик буюмларини қўшни мамлакатдан яшириб олиб кираётганлиги фош қилинди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат Божхона қўмитаси ахборот хизмати

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тошкентнинг мўъжизавий "Ичон қалъа"си

Буларнинг ёнига яна шаҳарнинг барча туманларида қад ростлаётган тураржойлар ва "Обод маҳалла" дастури асосида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, Тошкент тўла маънода қурилишлар, янгиланишлар майдонига айланганини англаш қийин эмас. Буларнинг ҳаммаси шаҳримизда ободлик, фаровонлик, гўзаллик борасида чинакам ўзгаришлар юзага келаётганини кўрсатади.

Пойтахтимиздаги энг катта қурилиш масканларидан бири — шаҳар марказида барпо этилаётган "Tashkent City" ҳисобланади. Шаҳарсозлик нуқтаи назаридан бутунлай янги лойиҳа асосида қад ростлаётган, замонавий қиёфа касб этадиган, қурилиш кўлами ва бошқа жиҳатлардан ўзига хос бўлган "Tashkent City" шаҳарнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислом Каримов, Фурқат кўчалари оралиғидаги 80 гектарлик ҳудудни эгаллаган.

Шу ўринда "Tashkent City" атамасига изоҳ бериб ўтсак. Маълумки, бу атама тилимиз учун ҳам, шаҳарсозлик терминологияси учун ҳам янги. Аслида "City" сўзи инглизчадан таржимада шаҳар маъносини билдиради. Шу маънода "Tashkent City" жойлашган ўрнига қараб, шаҳар ичида қурилаётган янги шаҳар маъносини англатади. Бундай "City"ларнинг ҳаётда пайдо бўлиши бежиз эмас. Кейинги йилларда замонавий технологияларнинг ҳаётга чуқурроқ кириб келиши инновацион лойиҳаларни, янгича қурилиш усулларини ва иншоотларни, биноларни барпо этишда мўъжизавий ёндошувларни юзага келтирди. Бундай ёндашувлар асосида ғарб мамлакатлари ва юксак тараққий этган давлатларнинг йирик шаҳарларида XX асрнинг охирларидан бошлаб "келажак шаҳри" ёки "янги шаҳар" деб аталган "City"лар барпо этишга киришилди. "Tashkent City" ҳам ана шундай шаҳарчалардан бири саналади.

Шаҳар ичида шаҳарча қуриш анъанаси аслида ғарбда эмас, шарқ мамлакатларида қадим-қадимларда бошланган. Милоддан олдинги даврларда шаҳарлар кухандиз, шаҳристон (кичик шаҳар) ва катта шаҳар тарзида қурилган. Кейинроқ улар арк, шаҳристон ва рабод шаклида барпо этила бошлаган. Ана шундай шаҳарсозлик намуналаридан бири эндиликда қадимий Хива шаҳри архитектурасида сақланиб қолган. Унинг марказида арк, арк атрофида эса Ичон қалъа, Ичон қалъа атрофида эса Дишон қалъа жойлашган. Ривожланган давлатларнинг йирик шаҳарларида барпо этилган ва этилаётган "City"лар ғарб шаҳарсозлигининг қадимий шарқ шаҳарсозлигидан андоза олган ва замонавий кўриниш касб этган янги архитектура намуналари дейиш мумкин.

Нима бўлмасин "Tashkent City" кўлами жиҳатдан нафақат юртимиздаги, балки Марказий Осиёдаги энг йирик, мукаммал, янги архитектура лойиҳасига асосланиб қад ростлаётган шаҳарча ҳисобланади. Лойиҳага мувофиқ бу ерда бизнес марказлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар, офислар, Конгресс-холл, кўргазма заллари, кўп қаватли замонавий уйлар, ижтимоий ва бошқа объектлар барпо этилмоқда. Шаҳарчада ишбилармонлар фаолият юритиши учун ҳамма имкониятлар яратилади. Шу сабабли бу шаҳарча халқаро ишбилармонлар маркази, деб ҳам аталади.

"City"да барча ишларни амалга оширишни марказлаштириш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат унитар корхонаси шаклида Объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича дирекция тузилган. Айни вақтда ҳудудда давлат органлари ва турли ташкилотлар раҳбарларидан иборат халқаро ишбилармонлик марказининг Маъмурий кенгаши ҳам фаолият олиб бормоқда. "Tashkent City"нинг лойиҳаси Буюк Британиянинг "ARUP", Туркиянинг "Tabanlioglu", Сингапурнинг "DPArchitects" ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатларидаги етакчи компаниялар вакилларини, архитекторларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилди. Бу лойиҳаларни яратишда халқаро экспертларнинг хулосалари ҳам олинди. Лойиҳалар Тошкент шаҳар архитектура кенгаши томонидан кўриб чиқилди. Бунда лойиҳалаштирилган ҳудуднинг ер ости қатламы юмшоқ ва қаттиқлигига, унинг таркибида қандай жинслар борлигига, сув йўллари, сизот сувларга алоҳида аҳамият берилди. Кейин лойиҳалар марказнинг Маъмурий кенгаши томонидан тасдиқланди. Бошқача айтганда, лойиҳалаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилди. Етти ўлчаб, бир кесилди.

— Ҳисоб-китобларга кўра, "Tashkent City"нинг умумий майдони 1 миллион 300 минг квадрат метрдан иборат. Шундан 443 квадрат метрида аҳоли учун тураржойлар қурилади, сайилгоҳлар барпо этилади, — дейди Объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича дирекция директори Шерзод Ҳидоятов. — Халқаро ишбилармонлик марказининг дастлабки лойиҳавий қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳоланган эди. Ҳозирги кунда марказнинг 80 гектарлик ҳудуди 8 та ҳудуд (лот)га бўлинган. Ҳар бир ҳудуд учун қуриладиган иншоотлар, бинолар, тураржойларга мўлжалланиб майдонлар ажратилган. Масалан, биринчи ҳудуд 19 гектардан ошиқ жойни эгаллаган бўлса, тўртинчи ҳудуд 1,5 гектардан, еттинчи ҳудуд эса 12 гектардан иборат. Саккизинчи ҳудуд учун 18,5 гектар ер ажратилган. Бу ерда аҳоли дам оладиган кўркам боғ барпо этилади. Унинг таркибида икки гектарлик сунъий кўл ва фавворалар қурилади. Боғ ичида хиёбонлар ташкил қилинади. Бу боғ нафақат аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жой, балки бутун "City" бағрида микроиқлим яратадиган масканга ҳам айланади.

— Халқаро ишбилармонлар маркази давлат маблағларига эмас, сармоядорлар маблағлари эвазига барпо этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев. — Бу ишга инвесторларни жалб этиш учун хориж тажрибалари ўрганилди. Бир гектар ер 2 миллион АҚШ долларига баҳоланди. Тўғри, дастлаб инвесторларни бу ишга жалб қилиш қийин кечди. Эски уйлар, кўримсиз масканга маблағ сарфлаб иш бошлашни ҳеч ким истамади. Бу ерда яшаётганларга янги уйлар бериб, эски уйлар бузилиб, ҳудуд текис ҳолга келганидан сўнг гўзал, бир-биридан жозибадор лойиҳаларни кўрганларидан кейин сармоядорларга жон кирди. Албатта, бу борада ўзимиз ҳам қараб турмадик. Мамлакатимиздаги етакчи банклар раҳбарлари билан ҳамкорлик қилиш борасида мулоқотлар, тушунтиришлар олиб бордик. Амалий ҳаракатлар бошланганидан кейин 730 га яқин сармоядорлар билан музокаралар ўтказдик. Шулар орасидан энг яхшиларини, амалий фаолият учун тажрибадан ўтганларини танлаб олдик. Натижада бугунги кунда инвесторлар 12 та лойиҳа устида иш олиб бормоқдалар. Айни пайтда, "Алоқабанк", "Асакабанк", "Ўзсаноатқурилишбанк" кабилар ҳам сармоя киритиб, қурилиш ишларида фаол қатнашмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, "Tashkent City"дай ниҳоятда катта, улуғвор лойиҳаларга эга қурилиш ишларининг давлат маблағ киритмай сармоядорлар — мамлакатимиз ишбилармонлари ва Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея каби давлатларнинг инвесторлари томонидан барпо этилаётгани республикамизнинг бунёдкорлик соҳасида эришаётган ютуқларидан бири ҳисобланади. Бу, бир жиҳатдан юртимизда етук сармоядорлар синфи шаклланаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, хорижий компанияларнинг Ўзбекистонга ишончли шерик сифатида эътибор қаратаётганлигини ҳам билдиради.

Халқаро ишбилармонлик марказининг лойиҳалари, иншоотларнинг макетлари, қурилиш ишлари билан танишган ҳар қандай одам "шаҳар ичидаги шаҳарча" бунёдкорлик борасидаги чинакам мўъжиза эканлигини яққол англайди. Чунки энг замонавий технологиялар ва меъморчилик андозалари асосида барпо этилаётган иншоотлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, марказнинг биринчи ва иккинчи ҳудудларидаги тураржойлар Европа стандартлари асосида, одамларнинг яшашлари учун ниҳоятда қулай шароитлар яратилган тарзда барпо этилмоқда. Муҳташам уйларнинг 1-2-қаватларида савдо мажмуалари, маиший хизмат уйлари фаолият юритса, бино остидаги икки-уч қаватли жойлар автотураргоҳларга айланади. Уйлар, бинолар атрофларига автотранспорт воситалари қўйилмайди. Умуман, бундай ҳолатга нафақат марказнинг биринчи, иккинчи ҳудудларида, балки "City"нинг барча ҳудудларида амал қилинади. Яъни, автотураргоҳларнинг ҳаммаси бинолар, иншоотларнинг остки қисмидаги икки-уч қаватли гаражларга жойлаштирилади.

Майдони 19 гектар бўлган биринчи ҳудудда Буюк Британиянинг "High Land City" қурилиш компанияси 9 қаватли уйларни барпо этмоқда. Бундай уйлар сони 12 та бўлади. Учинчи ҳудуддаги 7,6 гектарлик майдонда Германиянинг "Huper Partners GmbH" компанияси томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Улар 28 қаватли 4 та бинонинг қурилиш ишларига бош-қош бўлмоқдалар. Тўртинчи ҳудуднинг ер майдони 1,5 гектарни ташкил этади. Лекин бу ерда марказнинг энг баланд иморатлари — 45 қаватдан иборат 2 та бино қад ростлайди. Бу иншоотларни маҳаллий "Universal Pasking Masters" компанияси бунёд қилмоқда.

Бешинчи ҳудуднинг умумий майдони 8,8 гектардан иборат. Ушбу ҳудудда "Akfa Dream World" компанияси томонидан 21 қаватли 5 юлдузли меҳмонхона ва энг катта Конгресс-холл қурилмоқда. Бир-бирига уйғун ҳолда тикланаётган бу бинолар шу йилнинг сентябрь ойига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Икки бино қуриб бўлинганидан кейин фойдаланиш учун давлат ихтиёрига топширилади. "City"нинг марказий ҳудудларидан бири молия маркази саналади. Унда 22 қаватдан 33 қаватгача бўлган тўртта бино қад ростлайди. Молия марказида бизнес тузилмалари, молия ҳамда савдо ташкилотлари, йирик компаниялар офислари жойлашиши мўлжалланган. Бу марказ Жанубий Кореянинг "Bumi" қурилиш ва инвестиция компанияси томонидан барпо этилмоқда.

— Еттинчи ҳудуднинг умумий майдони 12 гектардан ошиқ, яъни 93483 квадрат метрдан иборат. Шундан қурилиш майдони салкам 72 минг квадрат метрни ташкил этади, — дейди ушбу ҳудуд қурилиш бошлиғининг ўринбосари Александр Ксон. — Қурилишда учта маҳаллий инвестор — "Family Group", "Premium Yillage" МЧЖ, "Luxury Apartments" хусусий корхонаси иштирок қилмоқда. Бу ерда 11 та кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Биноларнинг биринчи қаватларида турли савдо мажмуалари жойлашади. Юқори қаватларида эса тураржойлар, офислар, кичик меҳмонхоналар бўлади. Бу бинолар ниҳоятда мустаҳкам асосда, янгича кўринишда барпо этилмоқда. Уларнинг ер остки қисми 10 метрдан ошиқ ҳолда тикланди. Биноларнинг устки қисмида эса барча қулайликлар яратилади. Мен дунёнинг кўплаб шаҳарларида "City"лар қурилишида қатнашганман, лекин "Tashkent City" улар орасида энг гўзали, энг яхшиси, мўъжизавий кўриниш касб этадигани бўлади. Еттинчи ҳудудда қурилиш ишларини 2020 йилнинг февраль ойи бошларида якунлаш режалаштирилган.

Ҳудудда ишлар аниқ ва мукаммал ташкил қилинган. Мингдан ортиқ маҳаллий қурувчилар икки сменада кечасию кундузи ишлашмоқда. Улар бепул ётоқхона, уч маҳал овқат билан таъминланган. Бундан ташқари, озиқ-овқат учун уларга ҳар ойда 200 минг сўмдан қўшимча маблағ берилади. Қурилиш мутасаддилари — муҳандислар, техник ходимлар, прораблар амалга ошириладиган ва қилинадиган ишлар ҳисоб-китоблари билан банд. Офис деворларига ўрнатилган мониторларда қурилишнинг ҳар бир нуқтасида қилинаётган ишлар дақиқама-дақиқа яққол намоён бўлади. Ҳудудда бекор юрган бирорта ҳам одам учрамайди. Дарвоқе, бугунги кунда "City" қурилишида 6 минг нафар қурувчи меҳнат қилмоқда. Ана шуларнинг 3 мингга яқини юртимиздан хорижга кетиб, "Москва-Сити", Остона, Сочи, Дубай каби шаҳарлар қурилишларида меҳнат қилиб, катта тажриба орттирган қурувчилар ҳисобланади. Уларнинг юртимизга қайтиб, ушбу йирик қурилишда иштирок этаётгани ва ёшларга ўз тажрибаларини баҳам кўраётгани қувонарли ҳол, албатта.

Юқоридагилардан англашилиб турибдики, пойтахтимиздаги ишбилармонлик марказида кўп қаватли, замонавий мегаполисларга хос юксак иншоотларни, биноларни қуришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу, бир томондан, ушбу марказнинг ўзига хослигини кўрсатади. Иккинчи томондан, "Тошкент сейсмик зонадаги шаҳар, шу сабабли бу ерда кўп қаватли иншоотларни қуриб бўлмайди", деган қарашларнинг нотўғри эканлигини исботлайди. Эътибор беринг, сейсмик жиҳатдан энг фаол бўлган Японияда ниҳоятда баланд бинолар, иморатлар қурилаётган пайтда юртимизда зилзиладан ҳадиксираб 15-20 қаватдан юқори бино қура олмай ўтиришимиз таажжубланарли ҳол эмасми? Архитекторларнинг фикрига кўра, бирон-бир давлатда баланд бинолар қурилишига қарши чекловлар қўйилган эмас. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўп қаватли, баланд иншоотлар қуриш мумкин эмас, деган техник кўрсатма йўқ. Демак, бу ўринда ҳамма гап қуриладиган иморатнинг лойиҳасини зилзила ва бошқа табиий офатларга чидамли қилиб мукаммал яратишда ва уни ҳар томонлама мустаҳкам ҳамда сифатли қилиб барпо этишда. Шундай экан, "City"да қад ростлаётган осмонўпар иншоотлар келгусида мамлакатимиз ҳудудларида бунёд қилинадиган жуда баланд бинолар, иншоотлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши аниқ.

— Бугунги кунда замонавий шаҳарлар барпо этишда уларнинг экотизимига — боғлар, сайилгоҳлар, яшил зоналар, оромгоҳлар, ландшафт дизайнига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ишбилармонлик маркази лойиҳасида ҳам бу тизим эътиборимизда бўлди, — дейди дирекция қурилиш ва лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Баҳром Ризаев. — Айниқса, Сайилгоҳ лойиҳаси устида кўп ишладик. Франция, Германия, Россия, Хитой каби давлатларнинг шаҳарсозлик тажрибаларини ўрганиб, ўзимизга хос, янги ғоялар яратдик. Сайилгоҳ кўчаси "City" бағрини шарқдан ғарбга қараб кесиб ўтади. Унинг ҳамма нуқталарида сўлим масканлар яратилади. Бу ерда ландшафт дизайнини яратишга Москва шаҳрини ободонлаштиришда "Моя улица" дастурини тайёрлаган йирик компания мутахассисларини жалб қилдик. Хуллас, ишбилармонлик марказидаги маҳобатли бинолар билан бирга ҳудуд инфратузилмаси, экоолам, муҳандислик тармоқлари, ёритиш тизими — барча-барча объектлар лойиҳаси ва қурилиши мукаммал ишлаб чиқилди.

Бугун "шаҳар ичидаги шаҳарча"да қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Маълумки, "Tashkent City" халқаро ишбилармонлик маркази мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қурила бошланган эди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳам давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президентимиз 2018 йилнинг 6 апрелида халқаро ишбилармонлик марказига ташриф буюрар экан, бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечириб, бунёдкорлик ишларига яхши баҳо берди. Шу билан бирга, бу ерда лойиҳалар асосида қад ростлаётган иншоотларни энг замонавий технологиялар ва меъморлик андозалари асосида барпо этишни кўрсатиб, "Tashkent City" шаҳар ичидаги янги шаҳар бўлиши керак. Бу шаҳарча катта суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистонимизнинг бор салоҳиятини ўзида тўла намоён этиши зарур", дея таъкидлаган эди. Президентимиз кўрсатмалари марказнинг бугунги қурилиш жараёнида амалга оширилмоқда.

— "Tashkent City"да қурилаётган ўзига хос тураржой бинолари халқимизнинг эътиборини тортмоқда. Бу ерда яшашни истаётган юртимиз ва хориж фуқаролари кўпайиб бормоқда, — дейди шаҳарчадаги уй-жойларни аҳолига сотиш офиси раҳбари Қосим Умаров. — Биз Жанубий Корея ва Туркия тажрибалари асосида "City"да тураржойларни сотиш ишларини ташкил этдик. Биринчи ҳудудда қурилаётган 1160 хонадоннинг 90 фоизи шу кунгача сотиб бўлинди.

"Tashkent City" эндиликда пойтахтимизда барпо этилаётган ягона халқаро ишбилармонлар маркази бўлиб қолмайди. Бундай ишбилармонлик марказларини Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида барпо этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Шу асосда кейинги беш ой ичида "Олмазор бизнес сити", "Юнусобод бизнес сити", "Мирзо Улуғбек бизнес сити" каби 3 та бизнес сити ташкил этилди. Уларнинг лойиҳалари яратилди. Демак, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро, маҳаллий ва хорижий компаниялар ушбу лойиҳаларни амалга ошириш борасида инвестор — сармоядор бўлиш имкониятларига эга. Улар ўз лойиҳалари билан шаҳарнинг бунёдкорларига айланиши мумкин.

Сўзимиз бошида шаҳар ичида шаҳарча барпо этиш тажрибаси юртимизда қадим-қадимдан бошлангани хусусида фикр юритган эдик. Шу маънода бугунги кунда дунё сайёҳлари шаҳар ичидаги шаҳарча — Ичон қалъани Хива шаҳрининг тарихий мўъжизаси деб аташади. Шундай экан, эндиликда Тошкент шаҳри бағрида барпо этилаётган "Tahkent City" ҳам келажакда пойтахтимизнинг шаҳар ичидаги шаҳарчасига, гўзал ва мўъжизакор Ичон қалъасига айланиши шубҳасиз.

Камол МАТЁҚУБОВ,
"Adolat" мухбири

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Одатда, қиш мавсумида лимон мевасига эҳтиёж ортади. Афсуски, ушбу цитрус мевали ўсимликка ҳам зиён етказувчи табиий зараркунандалар мавжуд. Хусусан, цитрус инли куяси лимон ўсимлигининг хавфли кушандаси ҳисобланади ва у мандарин, апелсин, грейпфрут, еквалипт, тол, ясмин ўсимликларида ҳам яхши ривожланади.

Цитрус инли куяси

Reklama o'rnida

Цитрус инли куяси дастлаб ёш баргларга зарар етказади ва барглар буришиб қолади. Ўрамларнинг ичида нозик қора чизиқ ёки нуқта, қуюқ чизиқ кўзга ташланади. Бу ердаги личинкалар фотосинтез жараёни секинлашишига олиб келиб, меваларнинг кичрайишига сабаб бўлади.

Ушбу зараркунанда бир йилда 6-7 та, гоҳида 10 мартагача авлод беради. Цитрус инли куяси Осиё, Австралия, Жанубий Африка, Шарқий ва Ғарбий Африка, Марказий ва Жанубий Америка давлатларида тарқалган. Мамлакатимизда Тошкент вилоятида учраши аниқланган.

Бу зараркунандага қарши кураш чоралари уч босқичда, яъни зарур препаратни лимон барглари устига пуркаш, тупроққа ишлов бериш, ўсимликлар танасига ишлов бериш йўллари билан олиб борилади. Ҳашорат тарқалган кўчатларга барча ёшдаги қуртларга қарши 10 литр сувга Entovant 15 гр,Indoksamertin 10 литр сувга 30 гр, Protekt 10 литр сувга 25 гр каби препаратларни қўллаш мумкин.

Албатта, карантин тадбирлари ҳам ташкил этилади. Масалан, кўчатликларни мунтазам текшириш ва экспертиза қилиш лозим, зараркунанда аниқланган ҳудудлардан кўчатлар, қаламчаларни бошқа жойларга тарқатиш қатъиян ман қилинади. Шунингдек, мазкур ҳашорат тарқалган далалардаги кўчатларга фосфор-органик препаратлар билан ишлов бериш мақсадга мувофиқдир.

Азиз ИРИСБАЕВ,
"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантин чегара маскани инспектори

Оққанот зарарлаганда

Reklama o'rnida

Цитрус оққанот (dialeurodes citri ashm) ҳашорати, асосан, иссиқхоналардаги ўсимликларга зарар келтира бошлаган эди. Кейинги йилларда улар очиқ даладаги мева ва сабзавот экинларига ҳам тарқалмоқда.

Унинг личинкаси ҳужайра ширасини сўриб, ўсимлик ривожланишига салбий таъсир қилади. Шунингдек, бу ҳашорат ажратган ёпишқоқ суюқликда қоракуя замбуруғлари ривожланиб, ўсимликда ассимиляция жараёнини сусайтиради, шу тариқа икки тарафлама зарар келтиради. Оққанот 300 дан ортиқ ўсимликларга зарар етказади. Айниқса, цитрус мевалар, лимон, бодринг, помидор, бақлажон, петрушка, кашнич учун кушанда ҳисобланади. Оққанот билан зарарланган ўсимликларнинг баргларида жуда кўп миқдорда очиқ рангдаги майда доғлар кузатилади. Ўсимлик баргларини силкитганда ундан юзлаб оққанот ҳашоратлари учганини кузатиш мумкин. Оққанот зарарлаганда барглар сарғайиб, кейин тўкилиб кетади. Айрим ҳолларда ўсимлик қуриб қолади.

Бу ҳашорат суғориладиган майдонларда йилига 7-8 авлод бериб кўпаяди. Оққанотлар намсевар, шунинг учун ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиши уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Оққанот личинкаларини кўриш жуда қийин, чунки улар жуда кичкина ҳажмда ва оч рангда бўлади.

Бу ҳашоратга қарши кураш чораларидан бири кимёвий усулдир. Хусусан, 10 л сувга Entoluo 20% - 10 гр, Entospilan 20% - 15 гр, Agrofos extra 60% - 4 гр, Dalate plus 105-5 гр препаратларини қўллаб экинга ишлов бериш керак.

М.САДИРОВА,
"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантин чегара маскани инспектори

Французлар цемент заводини ташкил этиш ниятида

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида Франциянинг "Фрейссине" компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ушбу компания билан ҳамкорликда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибида эҳтиёжлар учун Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида янги цемент заводини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда мазкур иншоот қурилиши белгиланган ҳудуднинг геологик ҳолати бўйича текширувларни ўтказиш, заводга хориждан янги технология ва техникаларни олиб келиш, корхонанинг келажакдаги салоҳияти ҳақида фикр юритилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги ташкил этиладиган завод йилига 1 миллион тонна юқори сифатли цемент маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Тадбирда, шунингдек, пойтахтимизда қурилиши режалаштирилаётган бир қатор йўл ўтказгич ва кўприклар, янги метро линияларининг лойиҳалари франциялик мутахассислар томонидан тақдим этилди. Янгича дизайн, ўзгача услуб, жаҳон стандартларига мос келадиган бундай иншоотларни бунёд этиш бўйича мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Навоийнинг адолат мезони

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Кунлардан бирида шоҳ сайрга отланаётган маҳалда телбанамо бир кампир унинг этагидан маҳкам тутди ва шундай сўзларни айтиб хитоб қилди: "Эй шариат қонунларини ўз ҳаётий аъмолига айлантирган шоҳ! Менинг сенда шаръий даъвом бор. Агар сен адолатли бўлсанг, менга ғазаб қилма! Менинг даъвомга шариат маҳкамасида, қозининг ҳузурида жавоб бер!" Шоҳ деди: "Агар даъвонг ҳақ, шариатга мувофиқ бўлса, жоним фидо бўлсин".

Алқисса, иккаласи қозининг ҳузурига боргач, кампир ўз даъвосини қуйидагича изҳор этди: "Тахт учун курашиб юрган кезларида подшоҳ ёлғиз фарзандимнинг ўлимига сабаб бўлган эди. Мен жигарбандимнинг хунини талаб қиламан". Табиийки, ҳукм чиқариш учун даъвонинг ўзи кифоя эмас. Қози кампирдан иккита гувоҳ келтиришини сўрайди. Доно кампир: "Гувоҳларимдан бири подшоҳнинг адолати бўлса, иккинчиси – унинг инсофи", деган жавобни беради. Буни эшитган шоҳ Ғозий ўз айбига иқрор бўлди. Қози эса адолатли ҳукм чиқарди:

Қози бўлуб адл ҳаримиға хос,
Қилди равон ҳукм: "Дият ё қасос".

Яъни, ё подшоҳ кампирнинг ўғлини ноҳақ ўлдиргани учун хун тўлаши ёки кампир подшоҳдан қасос олиши лозим. Шунда Шоҳ Ғозий ҳеч бир иккиланмасдан, ўз бўйнини рўмол билан маҳкам боғлаб, кампирнинг қўлига тиғ тутқазади. Бир томонга эса хун миқдоридаги олтин-кумушларни тўкиб қўяди. Шоир мана бундай ёзади:

Деди: "Қасос айласанг оллингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сан этсанг, менга не ихтиёр".

Ҳазрат Навоийнинг таъкидлашича, шоҳнинг бу даражадаги адолати ва зўр инсофи қасос тиғини худди кампирнинг тишларидек ўтмаслаштириб қўйди. Кампир ўзини шоҳ Ғозийнинг оёғи остига ташлайди.

Тушди пётига бўлиб узрхоҳ;
Дедики: "Эй хусрави анжумсипоҳ!
Гар йигитим қилди фидо жон санга,
Мен қари жони дағи қурбон санга.
Мендин агар бўлди аён изтироб,
Лутф ила афв этки, мен ўлдум хароб".

Шоҳнинг бу янглиғ адолати кампирга шу даражада таъсир қилдики, у "Сендек адолатли шоҳ учун нафақат фарзандим, ўзимнинг ҳам минг жоним фидо бўлсин!", дея мурожаат қилди. Ҳазрат Навоий бу воқеага қуйидагича муносабат билдиради:

Вах, бу не изҳори хижолат бўлур,
Бу не деган лутфу адолат бўлур.
Зол кечиб даъвию дастонидин,
Йўқки ўғил қонидин, ўз жонидин.

Одил подшоҳ кампирни ўз адолати билан бой-бадавлат қилди. Кампир шоҳнинг адолати туфайли гўё ёшариб кетди. Халқ орасида "Золи зар", яъни "Тилла кампир" номи билан шуҳрат қозонди. Ҳазрат Навоий ўз фикрларини мана бу тарзда хулосалайди:

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шоҳ чу қилур адл, Навоий, не ғам?

Яъни кўҳна фалакдан қанча алам етса ҳам, подшоҳ адолатли бўлса, ғаминг қувончга, аламинг шодликка айланади. Маълумки, ҳазрат Навоий шоҳ Ғозий деганда ўз дўсти, ўша замон ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони назарда тутган. Шуни эътиборга оладиган бўлсак, мазкур ҳикоятнинг шунчаки бир афсона ёки тўқиб чиқарилган воқеа эмас, балки тарихий ҳақиқат экани тўғрисида тўхтамга келиш мумкин. Бинобарин, ҳазрат Навоий "Хамса"ни ёзиб тугатгач, бу беназир сиймони отга миндириб, ўзи жиловдорлик қилган улуғ ҳиммат эгаси подшоҳнинг шундай йўл тутиши зинҳор таажжубланарли эмас. Бу ҳодиса аждодларимизнинг нечоғлик юксак маънавият соҳиблари бўлгани исботидир.

Ҳазрат Навоийнинг адолат ҳақидаги қарашлари "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Қуззот зикрида" ("Қозилар ҳақида"), "Муфтийи фақиҳлар зикрида" ("Қонуншунос муфтийлар зикрида") сарлавҳали бобларида ҳам таъсирчан ёритилган. Шунинг ўзиёқ буюк мутафаккирнинг жамият ҳаётида адолатнинг тутган ўрнига нечоғлиқ эътибор кўрсатганига далил бўла олади. Жумладан, муаллиф бундай ёзади: "Қози ислом биносиға аркондир ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур". Яъни қози ислом биносининг таянчи ва мусулмонларнинг яхши-ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Модомики шундай экан, қози (судья) ҳар жиҳатдан бунга муносиб бўлмоғи зарур. Ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш ва унга қатъият билан амал қилиш бу соҳа мутахассисларининг муқаддас бурчидир. Ҳазрат Навоий фикрича, қози диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган бўлиши керак. Табиатида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи, билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шуқуҳ, ишга диққат-эътибори ва фаросатидан диёнатсиз ва виждонсизлар юрагида ғам-андуҳ бўлмоғи лозим. Илмда ва унга амал қилишда барчага ўрнак бўларли камолот соҳиби бўлсагина қози (судья) тор шахсий манфаатлар ис-канжасига тушиб қолмайди, ҳар бир ҳукми инсон тақдири билан боғлиқ эканини ҳис қилади. Ўз ишига катта масъулият ва адолат туйғуси билан ёндашади.

Буюк мутафаккир қарашича, ҳуқуқ соҳаси ходими қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, ҳалоллик унинг учун ҳаётий мезон бўлиши зарур. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг "Муфтийи фақиҳ (қонуншунос)-лар зикрида" деб номланган бобида ҳам қонун ва қонуншунос, инсон ва жамият, адолат ва ҳақсизлик муносабатлари тўғрисида тафаккурга қувват, руҳга озиқ бўладиган фикрлар баён қилинади. Уларни ўқир экансиз, улуғ бобокалонимиз салкам олти аср нарида туриб, бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган қимматли мулоҳазаларни айтаётганига иймон келтирасиз. Қалбингиз маърифат туйғуси билан мунаввар бўлади. Ҳазрат Навоий фикрича, қонуншуноснинг фикри ғайриқонуний тарафга оғмаслиги, кўнгли ҳийлагарликдан холи, фикр мезони тўғри, ёзганлари буюк фақиҳлар (қонуншунослар) сўзига мувофиқ келмоғи шарт. Қонуншунос ахлоқсизликдан йироқ бўлиши, жоҳил одамлардек бадкирдор ва шафқатсиз бўлмаслиги, бир танга учун юз ҳақни ноҳақ ва озгина марҳамат учун кўп "йўқ"ни "бор" деб битмаслиги зарур. Бир сават узум учун бир боғнинг куйиб кетишидан ғам чекмайдиган ва бир ботмон буғдой учун бир хирмоннинг совурилишидан ташвишланмайдиган қонуншунос жамиятга зарар келтиришдан бошқасига ярамайди.

"Вақфия" асарида ҳазрат Навоий жамият адолатсизликдан, тараққиётга тўсиқ бўладиган турли иллатлардан холи бўлиши зарурлигини қуйидагича бадиий талқин этади:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Ана шу фикрларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, ҳазрат Алишер Навоийнинг адолат мезони юксак бўлган. Унинг учун қонун ҳар нарсадан устун ҳисобланган. Қонун олдида шоҳу фақир ҳам, кексаю ёш ҳам, паҳлавон эру ожиз заифа ҳам тенг саналган. Бу ҳол она заминимизда ўрта асрлардаёқ ҳақиқий демократик жамият ҳукм сурганидан ва улуғ алломалар, ижодкорлар бундай жамиятни улуғлаб асарлар ёзганидан далолат беради. Маълум бўладики, бугунги ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар замини узоқ тарихимизга бориб тақалади. Зеро, қонун ва адолат устувор бўлган жамиятдагина чин маънода юксак тараққиёт юзага келади. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий сабоқларидан баҳраманд бўлиш барча яхшиликлар, ютуқлар гаровидир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм "Россия-Культура" телеканалида намойиш этилади



Фильм 17 февраль куни, Москва вақти билан соат 13:20 да эфирга узатилади. Мазкур фильм ислом тарихи ва маданиятидаги буюк шахс — Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Минг йиллардан буён у нафақат мусулмон оламида, балки бутун дунёда улкан ҳурмат-эътиборга сазовор инсондир.

Фавқулодда қобилиятли ва адолатпарвар Имом ал-Бухорий Қуръони Каримдан сўнг ислом таълимотидаги иккинчи китоб — "Ал Жомеъ ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам") асарининг муаллифи ҳисобланади.

Фильмда Ўзбекистоннинг машҳур олимлари, хорижий экспертлар ва диний уламолар иштирок этишган.

(ЎзА)

ТУРИЗМ

2019 йил 2 февралдан бошлаб, Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида йўловчиларнинг узоғини яқин қилаётган №762/761 "Афросиёб" юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поездлари Жиззах вокзалида 2 дақиқа тўхташи йўлга қўйилди.

"Afrosiyob" энди Жиззахда

Мазкур замонавий поездлар ҳаракат жадвалига ўзгартириш киритишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар ҳамда инвесторларга кенг қулайликлар яратиш, қолаверса, барча йўловчиларга сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш, бундан ташқари, кўп сонли йўловчиларнинг талаб ва истакларини амалга оширишдир.

Эслатиб ўтамиз, 2.02.2019 йилдан бошлаб, Тошкент — Бухоро йўналишида ҳаракатланувчи №762 "Afrosiyob" замонавий поезди Тошкент вокзалидан соат 7:28 да ҳаракатини бошлади ва Жиззах вокзалига 08:54 да кириб борди ва соат 08:56 да ҳаракатни давом эттирди. Самарқанд вокзалига соат 09:42 да кириб келди ва 09:50 да ҳаракатланди. Навоий вокзалига 10:40 да кириб борди ва 2 дақиқадан сўнг ҳаракатни давом эттириб, соат 11:19 да Бухоро вокзалига кириб борди.

Шунингдек, 2.02.2019 дан бошлаб Бухоро — Тошкент йўналишида ҳаракатланувчи №761 "Afrosiyob" замонавий поезди Бухоро вокзалидан соат 15:50 да ҳаракатини бошлайди. Соат 16:27 да Навоий вокзалига кириб келди ва соат 16:29 да ҳаракатини давом эттирди. Самарқанд вокзалига 17:20 да кириб келди ҳамда соат 17:28 да ҳаракатини бошлади. Жиззах вокзалига соат 18:14 да кириб келди ҳамда ушбу вокзалдан 18:16 да ҳаракатини бошлаган мазкур поезд соат 19:44 да Тошкент Марказий вокзалига кириб келди.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан яратилаётган қулайликлардан, замонавий, хавфсиз транспортлардан фойдаланиб, юртимиз бўйлаб саёҳат қилинг, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятингизни янада ривожлантиринг.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Ахборот хизмати

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ташаббуслар рағбатлантирилади, меҳнат қилган одам шунга яраша даромад топади, оилалар фаровонликка эришади. Бундай ижобий ўзгаришларни юртимизнинг узоқ қишлоқларида ҳам кўриш мумкин.

Маҳаллада ҳамманинг рўзғори бут

"Ёш ғайрат" — Шўрчи туманидаги маҳаллалардан бири, бу ерда 3849 киши истиқомат қилади. Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, Сурхондарё вилоятида ҳам амалиётга жорий этилган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури қишлоқда кўпчиликка асқотмоқда.

Ушбу маҳаллада ҳам ўн саккиз оила 15 миллион сўмгача имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

— Юртимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг учун қулай муҳит яратилган. Ташаббус кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Фаоллар билан уйма-уй юриб, аҳолига шуни тушунтирдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўрол Шерхонов. — Ҳозирги пайтда 38 хонадонда иссиқхона бор. Уларда турли деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилаяпти. Чорвачилик билан шуғулланаётганлар ҳам анчагина. Жумладан, маҳалладошларимиздан Тоғай Мирзатов ва Баҳодир Хўжақулов қурган иссиқхоналарда турли кўкатлар, помидор етиштирилмоқда. Алишер Қаршиев, Шерқобил Назаров чорвачилик билан шуғулланиб, уларнинг ҳар бири 40-50 бошгача қорамол боқади. Очиғини айтсам, бизда ҳеч ким бекор юрмайди. Бири парранда боқса, яна бири томорқасида сабзавот экинлари етиштиради. Натижада ҳар бир оилада тўкин-сочинлик, ризқ-барака кўнгилдагидек бўлишига эришилади, бошқа зарур харажатлар учун ҳам яхшигина даромад топилади.

Ана шундай эзгу амаллар, саъй-ҳаракатлар туфайли одамларнинг турмуш шароити тобора яхшиланиб, фаровонлиги ошиб, қишлоқ янада обод бўлмоқда. Хонадонларнинг тоза ичимлик суви, табиий газ таъминоти яхши эканлиги ҳам бу ишларда ижобий ўрин тутмоқда. Равон йўллар, обод кўчаларга қараб баҳридилингиз очилади.

— 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, маҳалламизда бирорта кам таъминланган оила қайд этилмади, содда қилиб айтганда, ҳамманинг рўзғори бут. Бу борада маҳалламиз фуқаролар йиғининг нуронийлар ва ёшлар бўйича маслаҳатчилари Зоҳиддин Ёқубов ҳамда Садоқат Исоқова, шунингдек, кўчабошиларимиз бир-бирига қанот бўлиб иш кўраётгани самара бермоқда, — деб сўзини давом эттиради маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Одамлар ўртасида аҳил-иноқликни мустаҳкамлашга, айниқса, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Яқинда фаоллар маҳалла ҳудудида жойлашган 37-, 65-умумтаълим мактабларидаги дарс жараёнларини бевосита кузатдик. Ота-оналар ҳам ўқувчиларнинг давоматига бефарқ эмас. — дейди Садоқат Исоқова. — Пировардида жонкуяр, фидойи ўқитувчиларни фахрий ёрлиқлар билан тақдирладик, аъловчи ўқувчиларга китоблар совға қилдик.

Дарвоқе, маҳаллада кутубхона ишлаб турибди. Мутахассислар, ота-оналар бу маскандаги китоблар сонини кўпайтириш ҳаракатида, чунки улар кутубхона фондини бойитиш нафақат ёшлар, балки барча ёшдагилар учун беқиёс маънавий хазина эканлигини яхши англайдилар.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
журналист

МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тобоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Адади — 3660
Босишга топшириш вақти — 00.40
Босишга топширилди — 1.40
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6